

# **2-Мавзу: ЕТЛАТ яратишнинг асосий тамойиллари**

## **Режа:**

1. Географик ахборот тизимлари. Ер ахборот тизимлари ва улардан ер тузиш ишларини ўтказишида фойдаланиш.
2. Дастур ва жиҳозлар таъминоти воситалари классификацияси
3. Ер тузишни лойиҳалашни автоматлаштириш тизимларини яратишнинг концептуал асослари ва тамойиллари

**2-Мавзу.2-маъруза:**  
**Дастур ва жиҳозлар таъминоти  
воситалари классификацияси**  
**(4 соат)**  
**РЕЖА:**

- 1.ЕТЛАТнинг функционал таркиби умумлаштирилган классификацияси ахборот-мантиқий модели.**
- 2. Жиҳозлар таъминоти воситалари.**
- 3.ЕТЛАТнинг дастурий таъминоти.**

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 15 дақықа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Дарс маъруза-ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ўтилган мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақықа	2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади Жалб қилувчи саволлар берилади. 2.2. Мавзу режаларига хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади. 2.3. Тезкор сўров ўtkазилади.	Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақықа	3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қиласи. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

# МАЪРУЗАНИ ЎТИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ

Талабалар сони : 114	2-мавзу.2-маъруза-2 соат
Маъруза тури	Маъруза- ахборот
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"><li>ЕТЛАТнинг функционал таркиби умумлаштирилган ахборот-мантиқий модели.</li><li>Жиҳозлар таъминоти воситалари классификацияси.</li><li>ЕТЛАТнинг дастурий таъминоти.</li></ol>

Ўқув машғулот мақсади:**ЕТЛАТ нинг функционал таркиби умумлаштирилган ахборот-мантиқий модели, дастурий ва жиҳозий воситалар таъминоти тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш**

<b><u>Педагогик вазиятлар:</u></b> <ul style="list-style-type: none"><li>- ЕТЛАТнинг функционал таркиби умумлаштирилган ахборот-мантиқий модели. тўғрисида тушунчани беради</li><li>- ЕТЛАТнинг дастурий таъминот классификацияси тўғрисида тушунчани беради</li><li>- ЕТЛАТнинг жиҳозий воситалар таъминоти классификацияси тўғрисида тушунчани беради</li></ul>	<b><u>Ўқув фаолияти натижалари:</u></b> <ul style="list-style-type: none"><li>- ЕТЛАТнинг функционал таркиби умумлаштирилган ахборот-мантиқий модели. тўғрисида тассавурга эга бўлади</li><li>- ЕТЛАТнинг дастурий таъминот классификацияси тўғрисида тассавурга эга бўлади</li><li>- ЕТЛАТнинг жиҳозий воситалар таъминоти классификацияси тўғрисида тассавурга эга бўлади</li></ul>
Таълим усуллари	ақлий хужум, блиц-сўров
Таълимни шакллантириш шакли	Жамоавий
Таълим воситалари	Компьютер (проектор) слайдлар , график органайзерлар
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
Мониторинг ва баҳолаш	Тезкор сўров

# **Фан мавзуларини ўзлаштириш бўйича тавсия қилинаётган адабиётлар**

## **Асосий адабиётлар:**

1. Andreas C. Land Information systems.Germany, 2016
2. С.Авезбаев. Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимлари. Дарслик – Тошкент: ТИМИ, 2008. – 135 б.
3. S. Avezbayev. Yer tuzishni loyihalashning avtomatlashgan tizimlari.T.:TIMI, 2010-168 b.

## **Қўшимча адабиётлар:**

4. С.Н.Волков. Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве. Том 6. - М.: “Колос”, 2002. – 450 б.
5. С.Н.Волков. Землеустройство. Экономико-математические методы и модели. Том-4 – М.: “Колос”.

## **Интернет ва зиёнет сайтлари:**

- 1.<http://www.Ziyonet.Uz/>.
2. <http:// www.guz.Ru/>

# Ўтилган мавзуни тақрорлаш учун

## Блиц саволлар:

- 1. ЕТЛАТНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАРКИБИ  
тушунчаси нимани англатади?**
- 2. ЕТЛАТНИ ФУНКЦИОНАЛ ТАРКИБЛАРГА  
ажратишнинг биринчи босқичида қайси  
тамойилни қўйиш мақсадга мувофиқ?**
- 3. ЕТЛАТ архитектураси тушунчаси нимани  
англатади?**
- 4. ЕТЛАТНИ таъминлаш воситаларига қандай  
талаблар қўйилади?**

## ЕТЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ

Услубий

Лойиҳалашнинг ягона тизими

Лойиҳалар ва чизмаларнинг мазмуни (таркиби)

Кўрсаткичлар тизими

Чизмалар ва лойиҳаларни ишлаш усуллари

Ахборот

Кўрсаткичлар тизими

Маълумотларни формал таърифлаш воситаси

Ахборот фонди

Ахборот оқимини ташкил этиш воситаси

Хужжатлар тизими

Математик

Умумий дастурий воситалар (ДВ), операцион тизимлар, диагностика файлларини юритиш учун ДВ

Режалашни ва лойиҳалашни автоматлаштириш ДВ

Услубий йўналтирилган ҳисоблашлар ДВ

Ҳисоблаш жараёнини ташкил этиш ДВ

ЕТЛАТНИГ функционал мақсадли ДВ

Техник

Лойиҳалаш

Экспликация

Хужжатлар фондини яратиш

ЭҲМ тармоқлари таркиби (ЭҲМ ва уланма қурилмалар турлари ва шакллари)

Ташкилий

Ташкилий таркиб

Хуқуқий меёrlар

Лойиҳалар ишлаш жараёни бошқариш

Мутахассис лар

Иш технологияси

**ЕТЛАТнинг  
техник  
таъминоти  
(техник  
воситалар,  
техника)  
деганда нима  
тушунилади?**

бу ер тузишни лойихалашнинг  
автоматлашган тизимишинг техник  
жихозлари бўлиб, ўз ичига компьютер ва  
бошқа механик, магнитли, электр, электрон  
ва оптик уланма қурилмаларни ёки ЭҲМ  
бошқарувида ёки мустақил ишлайдиган  
шунга ўхшаш асбобларни ҳамда ЕТЛАТ  
фаолияти учун зарур ҳар қандай қурилмани  
олади

**ЕТЛАТнинг  
техник-дастурий  
таъминоти ўз  
ичига  
нималарни  
олади?**

ер тузишни лойихалашнинг  
автоматлашган тизимишинг техник ва  
дастурий таъминотлари йиғиндисини

## **ЕТЛАТНИ ЯРАТИШ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?**

Ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимини яратиш **бир томондан** ЭҲМларнинг хотира сифимига ва тезкорлигига боғлиқ бўлса, **иккинчи томондан** дастурий таъминотига боғлиқ. Дастурий маҳсулотлар қўйилган вазифаларни тўла бажаришга мўлжалланган дастурий мажмуалар бўлиб, саноат маҳсулоти тарзида етказиб берилади. ЕТЛАТ да фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар бозорининг ҳозирги таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўзларининг бажарадиган вазифалари, қуввати, сервис хизматлари, ишончлилиги ва уларга киритиладиган концептуал ечимлари билан бир-бирларидан фарқ қиласи.

**Дастурый  
таъминот деганда  
нима  
тушунилади?**

Дастурый маҳсулотлар қўйилган вазифаларни тўла бажаришга мўлжалланган дастурый мажмуалар бўлиб, саноат маҳсулоти тарзида етказиб берилади. ЕТЛАТ да фойдаланиладиган дастурый маҳсулотлар бозорининг ҳозирги таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўзларининг бажарадиган вазифалари, қуввати, сервис хизматлари, ишончлилиги ва уларга киритиладиган концептуал ечимлари билан бир-бирларидан фарқ қиласи.

### **ЕР ТУЗИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР**

турли хил инструментал тўпламлардан (пакетлар) фойдаланмайдиган

турли хил инструментал тўпламлардан (пакетлар) фойдаланадиган

1-даражали

2-даражали

Ер түзиш ишларида  
фойдаланиладиган  
дастурий масулотлар  
классификацияси

4-даражали

3-даражали

## 1-даражали ДМ

Лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратишга мўлжалланган дастурий маҳсулотлар киради. Уларнинг энг кўп тарқалганлари: **AutoCAD**, **CAD+GEO**. **AutoCAD**нинг олдинги авлодларида мураккаб дастурларни **AutoLISP**га (**AutoCAD** га ўрнатилган дастурлаш тури) ёзишда ЭҲМ ларнинг тезлиги ва тезкор хотираси сифими камлиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келинди. **AutoCAD** нинг охирги авлодларида кўплаб муаммолар ечилди, бироқ, шуни ҳисобга олиш керакки, бу маҳсулот асосан ЛИАТ масалаларини ечишга мўлжалланган ва ер тузишнинг автоматлаштирилган технологияларини шакллантириш учун асосий восита бўла олмайди. Лекин, у ер тузиш ишларининг умумий технологик тизимидағи бир элемент сифатида хизмат қилиши мумкин.

## 2-даражали ДМ

ЛИАТ асосий вазифаларидан ташқари қўшимча имкониятларга эга дастурий воситаларни киритиш мумкин, масалан, улар айрим ер тузиш картографияси масалаларини ёчиш ва унча мураккаб бўлмаган геоахборот тизимларни яратиш бўйича қўшимча имкониятларга эга. Бу даражадаги маҳсулотлар ўз ичига маълумотлар базасини бошқариш тизимини (**МББТ**) олади ва объектнинг ёзма тавсифи билан чизма маълумотлари орасида алоқа ўрнатишни таъминлайди. Уларга **CADdy** тўпрамини, **ObjectLand**, **Геополис** дастурий мажмуаларини киритиш мумкин

## 3-даражали ДМ

Тўла миқесли геоахборот тизимларини яратиш воситаларига эга дастурий маҳсулотлар киради. Буларга **Arc/Info**, **ArcView 3.5** гача **Map info**, **GeoMedia Professional** маҳсулотларни киритиш мумкин. Геоахборот тизимларини яратиш ер тузишни лойиҳалаш ва картография масалаларини автоматлаштириш масалаларини ечиш учун нисбатан кенг тарқалган восита Америка атроф муҳит тизимларини ўрганиш институтида (ESRI) ишланган дастурий маҳсулот - **Arc/Info** ҳисобланади.

**ArcInfo** таркибидағи қатор модуллар карталарни ракамли асосга ўтказиш, ҳар хил шакллардаги маълумотларни алмашиш, маълумотлар базаси билан ишлаш, карталарни ишлаш ва уларни экранда кўрсатиш, маълумотларни гурухлаш, ишланган тавсифий маълумотларни жадвал шаклида бериш, ҳар хил сўровларни шакллантириш, интерактив графикавий таҳрирлаш, объектларни уларнинг манзиллари ва номлари бўйича топиш, оптимал ечимларни топиш бўйича масалаларни ечиш, қаттиқ асосларда карталарни тайёрлаб чиқаришни таъминлайди. Бу тизимнинг камчиликларига графикавий (чизмаларга) ишлов бериш тезлигининг пастлиги ва фойдаланувчилар учун маълум даражадаги ёпиқлиги киради.

ЛИАТ ва ГАТ технологиялари бирлаштиришнинг ажойиб намунаси сифатида **ArcCAD** дастурий маҳсулотини кўрсатиш мумкин. Бу маҳсулотни **ArcInfo**га ва унинг ўлчамида яратилган маҳсулотларга тўла бирлашган **AutoCAD** тизими сифатида қараш мумкин. У тасвирларни таҳрирлаш, сатҳлар юзаларини моделлаштириш, полигонларни жойлаштириш, буфер (ҳимоя) миңтақаларини яратиш ва бошқ. имкониятларни беради.

4-даражали

ДМ

Геоахборот тизимларини (ГАТ) яратиш, картографик материалларни қайта ишлаш ва бошлангич картографик-геодезик маълумотларни қайта ишлашдан то тузиладиган лойиҳанинг асосий нусхасини тайёрлашгача бўлган, тўла автоматлашган технологик жараённи яратиш учун кучли воситаларга эга дастурий маҳсулотлар киради. Уларга *Intergraph* фирмасининг MGE маҳсулотлари, ESRI ва Erdas фирмаларининг **ArcInfo 8,0** ва ундан юқори ҳамда Erdas Imaging комплекслари (мажмуалари) киради. Ҳозирги кунда Русиянинг «Понорама» ва Белорусиянинг «Кредо-Диолог» дастурий мажмуаларини ҳам ушбу даражага киритиш мумкин.

Энг таниқли ва кучли географик ахборотлар билан ишлашга ва картографик тасвирларни қайта ишлашга мўлжалланган дастурий техник мажмуя **MGE ва Intergraph** фирмасининг масофавий зондлаш маълумотларини қайта ишловчи дастурий воситалари ҳисобланади. Бу тизим ҳар хил карталарда, космик ва аэротасвирларда ва бошк. келтирилган. Ҳар хил ҳудудий чегараланган ёзма ва чизма маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, бирлаштириш ва моделлаш учун кўплаб вазифаларни бажариш бўйича катта имкониятларга эга.

*Intergraph* дастурий маҳсулотлари орасида юқори даражада мураккаб, графикавий тасвирлар билан ишлаш, картографик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, маълумотлар базасида ахборотларни сақлаш ва киритиш, уч ўлчамли моделларни тузиш, ўз технологиясига тайёр ёки фойдаланувчи томонидан ишланган мавзу бўйича модулларни киритиш, зарур интерфейсларни яратиш учун ҳар хил амалий вазифаларни таъминлайдиган хусусий фойдаланиш тизимини яратиш мумкин.

## **«Панорама» мажмуаси таркиби**

касбий ГАТ  
карта 2008

саноат  
типидағи  
электрон  
карталар  
векторизатори  
Панорама –  
тәхрирчи

жар хил  
қатламлар  
учун ГАТ  
иловаларни  
тайёрлаш  
учун  
инструментал  
восита  
**GisToolKit**

ер әгаларини  
хисобға олиш  
хамда рўйхатдан  
ўтказиш тизими  
**«Ер ва ҳуқуқ»**

**“Панорама”** геоахборот технологияси юкорида келтирилган 4 та бир бирини түлдирувчи дастурий мажмуудан иборат бўлиб, бугунги кунда ер тузиш ва ер кадастри ишларини автоматлаштириш имконини берадиган технология ҳисобланади. Бу технология Россияда ишланганлиги сабабли, фойдаланишда қулай ва МДҲ таркибидаги давлатлар ер тузиш тизимиға тез мослаштирилади.

**“Кредо-Диолог”** дастурий комплекси ҳам бугунги кунда ер тузиш ва ер кадастри ишларини автоматлаштириш имконини берадиган ва олий ўкув юртларида таълим жараёнларига жорий этиш учун мўлжалланган. Ҳамма тўпламлар 11 компьютер бирлаштирилган тармокда ишлашга мўлжалланган. Сервер вазифасини бажарувчи компьютер тармоқ ҳимоя калитларини ўрнатиш учун LPT ёки USB портларига эга бўлиши керак.

## **«Кредо-Диалог» мажмуаси таркиби**

**Умумий  
түплам**

**“Йўллар”  
түплами**

**“Инженерлик  
геологияси”  
түплами**

**“Геодезия ва  
ер тузиш”  
түплами**

**“Саноат ва  
фуқаролик  
қурилиши”  
түплами**